

Ўзбек сунъий интеллекти — BONU AGI ишга тушди



11:51 / 24.12.2025 1718

Бугунги кунда сунъий интеллект тизимлари кўп, бироқ уларнинг аксарияти умумий мантиққа таянади

Ўзбекистонда миллий кадриятларга асосланган, савол ва вазифаларни ижтимоий ва маданий контекстга мувофиқ таҳлил қила оладиган BONU AGI сунъий интеллект лойиҳаси ишга тушди. Бу сунъий интеллект хорижий AI платформаларига муносиб муқобил бўла олади. BONU AGI сунъий интеллекти асосан ўзбекзабон фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, она тилимизда ҳам эркин ишлайди.

Ушбу дастур юртдошларимиз томонидан яратилди.

Мазкур дастурнинг лойиҳа асосчилари — Бахтиёр Бобоҳонов, Сардорбек

Турсунбеков ва Отабек Сидиқовлардир.

BONU AGI сунъий интеллектдан фойдаланиш учун фойдаланувчилар [рўйхатдан ўтишлари](#) керак. Шунингдек, қурилмадан [фойдаланаётганда](#) саволларни хатосиз, аниқ ва мазмунли шаклда бериш ҳамда мулоқот вақтида ҳурмат билан ёндашиш тавсия этилади. Айти пайтда BONU AGI сунъий [интеллекти](#) бепул режимда ишламоқда. Бу эса фойдаланувчиларга унинг имкониятларини синаб кўриш учун қулай фурсатдир. Юртимизда халқ, Ватан равнақи йўлида қилинаётган бу каби ишлар давомли, хайрли ва манфаатли бўлсин, яхшилик йўлида хизмат қилаётганларга Аллоҳ таолонинг Ўзи ёрдам берсин!